

ТИЖОРАТ БАНКЛАРИДА ВАЛЮТА ОПЕРАЦИЯЛАРИНИ АМАЛАГА ОШИРИШДА ВАЛЮТА СИЁСАТИНИНГ АҲАМИЯТИ

Юсупов Азиз Шухратович

**Тошкент давлат иқтисодиёт университети ҳузуридаги “Ўзбекистон
иқтисодиётини ривожлантиришнинг илмий асослари ва муаммолари илмий
тадқиқот маркази”нинг тадқиқотчиси**
<https://doi.org/10.5281/zenodo.18325695>

Кириш. Бугунги кунда валюта бозорини либераллаштириш борасидаги ислохотларнинг мувафаққияти кўп жиҳатдан пул-кредит ва валюта сиёсатини такомиллаштириш, тижорат банклари фаолиятини мустаҳкамлаш ҳамда банк тизимини ривожлантириш чоралари самарадорлиги билан чамбарчас боғлиқдир. Ушбу ислохотларнинг самарадорлиги ва шаффофлигини тўлақони равишда юзага чиқариш, банк тизимини жаҳон банк-молия тизимига мувафаққиятли равишда интеграциялаш, пул-кредит ва валюта сиёсати инструментларининг иш принципларини бозор механизмлари асосида ташкил этиш ҳамда амалга ошириш бошқа омиллар билан бир қаторда, валюта сиёсати методологиясининг такомиллаштирилган тизимига ҳам боғлиқдир.

Валюта сиёсати ўз мазмун ва моҳиятига кўра, кенг қамровли тушунча бўлиб, у ўз ичига пул-кредит ва валюта сиёсатининг мақсад ва вазифаларини, функция ва тамойилларини, иқтисодиётга таъсир этиш восита ва механизмларини ҳамда ушбу восита ва механизмларнинг макроиқтисодиётни тартига солишдаги тизим муносабатларини қамраб олади.

Асосий қисм. Иқтисодий адабиётларда айнан валюта сиёсатининг мазмун ва моҳиятини очиб берувчи илмий тушунча ва қарашлар жуда кам учрайди. Кўпчилик олимлар ва иқтисодчилар уни ўрганишда асосан валюта курси сиёсати(exchange rate policy) ва валюта курси режимларининг таъсири нуқтаи назаридан ёндашадилар. Жумладан, Австриялик етук иқтисодчи олим F.Machlup ўзининг «Валюта курси назарияси» деб номланган илмий тадқиқот ишида валюта бозорида талаб ва таклиф мувозанати, унга таъсир этувчи омиллар, экспорт ва импорт эластиклиги, капиталлар ҳаракати ва трансфертлар, олтин стандарт тизими, унинг сабаб ва оқибатлари, хусусий сектор фаолиятининг валюта бозорига таъсири, валюта арбитражи каби фундаментал масалаларни чуқур ва атрофлича очиб берган [1].

Австралиялик иқтисодчи олим T.Swan ўзининг «Свон модели» деб эътироф этилган тадқиқот ишида валюта курси сиёсати ва макроиқтисодий мувозанатмасалаларининг фундаментал асосларини тадқиқ этган ва Австралия иқтисодиёт мактабининг халқаро миқёсда эътироф этилишига сабаб бўлган [2].

Иқтисодчи олимлар R.Mundell ҳамда M.Flemingлар ўзларининг «Манделл-Флеминг» моделида ҳам валюта курси сиёсатининг макроиқтисодиётга таъсирини фундаментал тадқиқ этганлар. Муаллифлар ушбу моделда T.Swандан фарқли ўлароқ валюта курси сиёсатини очиқ иқтисодиёт ва турли валюта курси режимлари нуқтаи назаридан ўрганганлар. Шунингдек, R.Mundell томонидан мамлакатлар ўртасида кучли иқтисодий интеграциянинг мавжуд бўлиши шароитида ягона валюта сиёсатини юритиш ушбу ҳудуд мамлакатлари учун энг оптимал танлов ҳисобланиши борасида

ўзининг «оптимальная валюта ҳудудлари» деб номланган назариясини асослаб беришга муваффақ бўлган [3].

Ўзбекистонлик иқтисодчи олимлар томонидан ҳам валюта муносабатлари бўйича олиб борилаётган тадқиқотларда айнан валютасиёсатиметодологияси тушунчаси билан боғлиқ илмий-назарий қарашлар мавжуд эмас. Улар томонидан валюта муносабатлари бўйича амалга оширилган тадқиқотларда валюта сиёсатининг айрим жиҳатларига асосий эътибор қаратилган.

Хусусан, проф. Т.Бобоқулов ўзининг «Миллий валютанинг барқарорлигини таъминлаш: муаммолар ва ечимлар» деб номланган монографиясида валюта курсиёсати ва у билан боғлиқ назарий жиҳатларга асосий эътиборни қаратган [4].

Проф. Т.Расулов ўзининг «Валюта муносабатларининг назарий асослари» деб номланган монографиясида ҳам асосий эътибор валюта муносабатларининг назарий ва услубий жиҳатларига қаратилган [5].


Юқорида қайд қилинган хорижий ва маҳаллий олимлар томонидан амалга оширилган илмий тадқиқотлар таҳлили шуни кўрсатмоқдаки, валюта сиёсати ёки муносабатларига бағишланган кўплаб масалалар аксарият ҳолларда унинг муайян назарий йўналишларини, хусусан, валюта курси, валюта бозори, валюта тизими, валюта муносабатлари, валюта операциялари каби йўналишларини тадқиқ этишга қаратилган.

Валюта сиёсати тушунчаси ўзининг мазмун ва моҳиятига кўра, шундай тизимли тавсиф ва таснифга эга бўлиши лозимки, унда қайд қилинаётган ҳар бир жиҳат ўзининг илмий-амалий хусусиятини яққол намоён қилиши зарур. Бошқача айтганда, валюта сиёсати услубиёти ҳақида сўз борганда, ўқувчи дарҳол гап нима ҳақда бораётганлигини ҳамда унинг сабаб ва оқибатлари нималарда ўз аксини топиши мумкинлиги ҳақида аниқ тасаввурга эга бўлиши лозим. Мана шулардан келиб чиққан ҳолда, биз валюта сиёсати тушунчасига ўз илмий таърифимизни беришни мақсадга мувофиқ деб топдик.

Бизнинг фикримизча, валюта сиёсати - бу Марказий банк томонидан валюта сиёсатини ишлаб чиқиш ва уни амалга оширишда фойдаланиладиган барча ташкилий, ҳуқуқий, иқтисодий ва сиёсий муносабатларнинг тартиб-қоидалари, усул ва воситалари ҳамда механизмларидир. Бошқача айтганда, Марказий банк валюта сиёсатининг мақсад ва вазифалари, функция ва тамойиллари, элемент ва инструментларини методологик нуқтаи назардан шакллантириб, уларни шу асосда реализациясини таъминлаши ҳамда такомиллаштириши зарур.

Валюта сиёсатининг бош мақсади мамлакатда макроиқтисодий барқарорликка эришиш ва миллий валютанинг харид қобилиятини мустаҳкамлаш ҳисобланади. Ушбу макроиқтисодий барқарорликка эришиш ва миллий валюта харид қобилиятини мустаҳкамлаш концепцияда белгилаб берилган тизимли асос ва ёндашувларни стратегик ва тактик нуқтаи назардан самарали амалга ошириш ҳисобланади.

Юқоридаги фикр-мулоҳазалар ва ёндашувлардан келиб чиққан ҳолда валюта сиёсати методологиясининг назарий-услубий асосларини қуйидагича шакллантириш мумкин (1-расм).



1-расм. Тижорат банкларида валюта сиёсатининг назарий-услубий асослари¹

Юқоридаги 1-расм маълумотларидан кўринадики, валюта сиёсати ташкил этувчи механизмлари ўзаро боғлиқликда ҳаракатланиб, унинг яхлит тизимини ифодалайди. Тизимнинг марказий асосини валюта сиёсати концепцияси ҳамда уни амалга оширишнинг стратегия ва тактикаси ташкил этади. Концепция ўз ичига валюта сиёсати методологиясининг мақсад ва вазифаларини, функция ва тамойилларини, устувор йўналишларини, восита ва инструментларини ҳамда ташкилий-ҳуқуқий асосларини қамраб олган.

Стратегия ва тактика ўз ичига тизимли асос ва ёндашувларни амалга оширишнинг усул ва механизмларини, комплекс чора-тадбирлар тизимини ҳамда йўл харитасини қамраб олади. Шунингдек, стратегия ва тактика макроиқтисодиёт секторлари ўртасидаги мувозанатли ҳолатни таъминлашга, мавжуд инвестиция муҳитини янада такомиллаштиришга, молия бозори барқарорлигини таъминлашга, халқаро молия

¹ Муаллиф ишланмаси

бозорига интеграциялашишга ҳамда шу йўналишдаги қонунчилик асосларини мустаҳкамлашга йўналтирилган бўлиши лозим.

Валюта сиёсатининг асосий функцияларини режали-иқтисодий, ташкилий-ҳуқуқий, мувофиқлаштириш ва назорат функциялари ташкил қилади. Валюта сиёсатининг асосий тамойилларини эса мақсадлилиқ; яхлитлик; шаффофлик (очиқлик) ва ҳисобдорлик каби тамойиллар ташкил қилади.

Валюта курси режимини мамлакатнинг иқтисодий, ижтимоий ва сиёсий муносабатларида амалга оширилаётган ислохотларнинг даврий ва нодаврий хусусиятларини, уларнинг ривожланиш тенденцияларини, ташқи иқтисодий конъюнктура, асосий савдо ҳамкор мамлакатларнинг танлаган валюта курси режими, ташқи сиёсий омиллар ва рисклар даражасини инобатга олган ҳолда танлаш мақсадга мувофиқдир.

Хулоса ва таклифлар. Валюта сиёсатининг самарадорлиги кўп жиҳатдан валюта сиёсати инструментларининг бозор механизмлари таъсирида ишлашига боғлиқдир. Бунинг учун эса валюта бозори инфратузилмасини шундай шакллантириш керакки, унда валюта сиёсатининг восита ва инструментлари ўзини эркин ҳис этиши ва ташқи таъсирлардан (давлат аралашувидан) ҳоли бўлиши лозим.

Валюта сиёсатини бойитувчи янги воситалардан бири бу коммуникация воситасидир. Регулятор томонидан валюта сиёсатини амалга ошириш билан боғлиқ барча тизимли муносабатлар жараёни коммуникация воситаси орқали ривожлантириш зарурдир. Таъкидлаш ўринлики, шу пайтгача ушбу восита (канал) ўзининг таъсир самарасига эга эмас эди.

Adabiyotlar, References, Литературы:

1. Фриц Махлуп. Теория валютного курса. Этот изменчивый обменный курс. Сборник статей. Пер. с англ. – Москва: Дело, 2001. стр. 28-30.
2. Swan T.W. [Economic growth and capital accumulation](#). Economic Record ([Wiley](#)) 32 (2). 1956. pp. 334–361; Peter L. Swan. Trevor Winchester Swan AOANU Inaugural Trevor Swan Distinguished Lecture. 23rd of May 2006
3. Mundell R. A. Capital mobility and stabilization policy under fixed and flexible exchange rates. Canadian Journal of Economics and Political Science, vol., 29, 1963. pp. 475-485.; Fleming J. Domestic Financial Policies under Fixed and under Floating Exchange Rates. International Monetary Fund Staff Papers 9, 1962. pp. 369-79.
4. Бобокулов Т.И. Миллий валютанинг барқарорлигини таъминлаш: муаммолар ва ечимлар. Т.: «Fan va texnologiya», 2007 й. 184 б.
5. Расулов Т.С. Валюта муносабатларининг назарий асослари. Т.: «Молия», 2007 й. 316 б.